

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ

Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси

Ахборот технологиялари факультетининг
информатика ва ахборот технологиялари йўналишининг
4-курс талабаси Авезов Саламатнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***Мавзуси:* ИНТЕРНЕТДА ГРАФИК ВА МУЛЬТИМЕДИА**
ҚУРОЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Илмий раҳбар: _____ **Мусакулова К.**
_____ **асс. Пирназарова М.Ж.**

Кафедра мудири: _____ **доц. Бурханов Ш.А.**

НУКУС - 2012 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
§1 WEB САЙТНИ ВА САҲИФАНИ РЕЖАЛАШТИРИШ.....	5
1.1. Web-тармоқлар.....	5
1.2. HTML (HyperText Markup Language)	6
1.3. Ҳужжат тузилиши.....	7
1.4. Гипермувожат	10
1.5. Ҳужжатнинг дизайни	11
1.6. Браузер, шарҳловчи (кузатиб борувчи), навигатор	12
§2. WEB – САҲИФАНИНГ ГРАФИКАЛАР ФОРМАТЛАРИ	14
2.1. Растрли ва вектори тасвирлар	15
2.2. Растрли тасвирлар ва уларнинг асосий характеристикалари.	18
2.3. GIF, JPEG, GIF89 ва PNG форматлари.....	21
§3. ADOBE PHOTOSHOP ДА ИШЛАШ АСОСЛАРИ.....	28
3.1. Қатламлар (слой) билан ишлаш	34
§4. МУЛЬТИМЕДИА ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИ	40
4.1. Видео ва аудио форматлар	42
4.2. Мультимедиа воситалари	46
4.3. VRML-сахналарини динамик яратиш	50
§5 ГРАФИК ВА МУЛЬТИМЕДИА ҚУРОЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ МУЛЬТИМЕДИАЛИ КЎЛЛАНМА ЯРАТИШ.....	54
ХУЛОСА	57
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	58
ИЛОВА	60

КИРИШ

World Wide Web шундай кенг тарқалган мультимедиявий Интернет бўлими, унда фойдаланувчилар нафақат матнли, балки графика ва видео файлларни ҳам кўра олиши, шунингдек музика тинглаши мумкин. Webда қидирувни бир объектдан иккинчи объектга, бетдан-бетга, бўлимдан-бўлимга осонлик билан ўтишда қўл келувчи гиперсилкалар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Webда Интернетдаги каби фойдаланувчи бутун дунё компьютер тизимлари сақланадиган файлларни қидиришлари, ўқишлари ва сақлашлари мумкин. Зотан, Webда файллар одатда Web-саҳифалари деб аталувчи бир катор интерактив "саҳифалар" кўринишида намоён бўлади. World Wide Webни биринчи бор 1989 йил Тим Бернес - Ли оммага такдим этган. World Wide Web жуда ҳам муваффақиятли эди ва у Интернет миқёсининг кенгайишига олиб келди.

HTML (Hypertext Markup Language) ўз ичига файл белгилашнинг дастурий кодлари (markup symbols) ёки тэглари (tags) мужассам этиб, улар шрифтларни, қатлам, графика ва бошқа Web-ҳужжатларга ишораларни белгилаб беради.

Гиперматн (hypertext) – ҳужжатларни ёки маълумотлар базаларини ташкиллаштириш усули. Бунда ҳужжатларнинг ёки ахборотларнинг тегишли қисмлари (парчалари) бир-бири билан чоралар (**links, hyperlinks**) воситасида ўзаро боғланади ва фойдаланувчига, фикрлаш йўли билан, ушбу ишоралар бўйича тегишли ҳужжатлар ёки ахборотга ўтиш имконини беради. Ишоралар матн, график, аудио ёки видео форматда ҳавола этилиши мумкин.

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, "Интернет"га кириб боришини кенгайтириш, юқори малакали дастурчи мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш масаласи ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда.

Тараққийёт сари ҳам нафас бўлиб ҳар соҳаларида электрон кутубхоналарни жорий этиш ва келажак авлодга етказиб бериш долзарб мавзуларнинг бири деб ҳисоблайман.

Мультимедиали электрон дарслигини яратишдан мақсад Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот коммуникация технологиялари саҳосини такомиллаштириш ва жаҳон стандартига мослаштиришдан уни содда тилда аҳолининг кенг қатламига тушунарли қилиб яратишдан иборат.

Қаралаётган битирув малакавий иши “Интернетда график ва мультимедиа курулларидан фойдаланиш”га ўйнатирилган.

Битирув малакавий иши кириш, 5 параграф, хулоса, адабиётлар рўйхатидан ва иловадан иборат.

Ишнинг биринчи параграфида Web сайтни ва саҳифани режалаштириш ҳақида умумий тушунча берилган.

Иккинчи параграфида Web – саҳифанинг графикалар форматлари ҳақида умумий тушунча берилган.

Учинчи параграфида Adobe Photoshop да ишлаш асослари батафсил маълумотга эга бўласиз.

Тўртинчи параграфида Мультимедиа ва интернет тармоқлари ҳақида сўз этилган.

Бешинчи параграф асосий масала қаралган бўлиб, унда график ва мультимедиа курулларидан фойдаланиб мультимедиали қўлланма ишлаб чиқилган.

Хулосада битирув малакавий иши натижалари келтирилган.

Иловада асосий масаламизнинг html кодлари келтирилган.

§1 WEB САЙТНИ ВА САҲИФАНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

1.1. Web-тармоқлар

Web-тармоқлар Webга уланган компьютерларда сақланувчи бир ёки бир неча ўзаро боғланган файллардан ташкил топади. Матн, графика, аудио ёки видеотасма кўринишидаги ахборот бир ёки бир неча Web-саҳифаларга тақсимланган бўлади. Бу Web-саҳифалардан гиперсилка, яъни бир файлдан бошқа файлга, ёки файлнинг бир жойидан бошқа бир жойига "сакраб ўтиш" имконини берувчи электрон алоқалар ёрдамида фойдаланилади. Web-тармоқларнинг яратилишида HTML (Hyper Text Markup Language) номи билан машҳур белгилар тилидан фойдаланилади. Web-саҳифаларни кўздан кечириш учун Microsoft фирмасининг Internet Explorer ёки Netscape Navigator дан фойдаланиш зарур. Web-тармоқни очгандан сўнг биринчи бўлиб фойдаланувчининг кўзига ташланадиган саҳифа бу Уй саҳифасидир, яъни Home Page. Бу саҳифа тармоқнинг мақсад ва белгилари ҳақида ахборот беради, шунинг учун ҳам асосий рол ўйнайди. Бундан ташқари, сизнинг қизиқишларингиз ёки тижорат фаолияти борасида қисқача ахборот беради. Баъзан Уй саҳифасини биринчи саҳифа деб ҳам аталади.

Одатда биринчи бўлимидан бошлаб секин-аста сўнггига қадар ўқиб бориловчи китобдан фарқли ўлароқ, Web тизими фойдаланувчиларга айнан уларни қизиқтираётган ахборотни шу вақтнинг ўзида кўздан кечиришга имкон беради. Web-тармоқ тизими дарахтни эслатади: марказий бўлимнинг йирик шохлари майда шохларга, яъни улар билан боғлиқ ахборотга олиб боради. Ҳар бир шох алоҳида Web-саҳифасини англатади. Гиперсилкалардан фойдаланган ҳолда бир тармоқ ичида ҳаракатланиш ёки бир тармоқдан бошқа бир тармоққа ўтиш мумкин. Гиперсилка матнли ёки графикали бўлиши мумкин. Гиперсилка тугма сифатида хизмат қилади. Уни боссангиз, сиз у тасвирлаган ерга бориб қоласиз. Одатда, гиперсилка матни маълум саҳифадаги қолган матндан ажралиб

туриш мақсадида бошқа бир ранг билан белгиланади ва кўпинча гиперсилка танланганидан сўнг, унинг тагига чизилади ҳамда ранги ўзгаради. Бу эса унинг ишлатилганлигидан далолат беради.

1.2. HTML (HyperText Markup Language)

World Wide Web (WWW ёки W3, Бутун жаҳон ўргимчак ини) – глобал миқёсда тарқалган матнли ва мультимедияга оид шаклга эга ҳужжатлар, файллар ва бошқа тармоқ хизматларининг ўзаро шундай боғланган бирлашмасики, бунда ахборотни қидириб топиш ва ҳосил қилиш амаллари, шу жумладан фойдаланувчилар ўртасидаги интерактив ҳамкорлик етарлича тез ва интуитив тушунарли усулларда бажарилади. Тим Бернерс-Ли ушбу тушунчага янада кенг таъриф берди: “World Wide Web – бу, ахборот тармоғи орқали кириб бориш мумкин бўлган Универсум, инсон воқифлигининг тимсолидир”.

Web махсус форматланган ҳужжатлар ичидаги ахборотни етказиб бериш ва унга ишлов бериш имкониятини берадиган, Интернет учун тайёрланган график интерфейс бўлиб, ўз ичига учта асосий компонентларни мужассам этади, жумладан: **Hypertext Markup language (HTML), HyperText Transfer Protocol (HTTP), Universal Resource Locator (URL)**.

Дастлаб World Wide Web тизими матнли маълумотларни ва HTML ҳужжатларни кўришга мўлжалланган, матнни тахрирловчи тилга ўхшаш тизим бўлган. Айти дамда HTML тили WWW даги энг оммабоп тиллардан бири ҳисобланади. HTML тилида ёзилган маълумотлар ўз ичига матн файллар, график маълумотлар ва бошқаларни олади.

Ҳужжатлар орасидаги алоқани таъминлаш ва маълумотларни форматлаш воситалари тэг (tag) деб аталувчи восита орқали амалга оширилади.

Web-саҳифанинг матн ва тэглари аралаш равишда HTML-ҳужжат деб аталувчи файлининг ичига жойлаштирилади. Қандай тэгни қўллаганингизга қараб браузер ойнасида маълумотлар турлича кўринади.

HTML хужжатга маълумотларни жойлаштириш ва таҳрирлаш учун юзлаб тэглари мавжуд. Масалан, <p> ва </p> тэглари абзацни ташкил этади, <i> ва </i> жуфт тэглари эса, матнни ёзма (курсив) ҳолда кўрсатиш учун қўлланилади. Шу билан бирга гиперматнли ссилкалар тэглари ҳам мавжуд. Ушбу элементлар фойдаланувчига гиперматн устига сичқонча курсори босилганда бошқа хужжатга боғланиш имконини беради.

1.3. Хужжат тузилиши

HTML (Hyper Text Markup Language) – белгили тил бўлиб, яъни бу тилда ёзилган код ўз ичига махсус рамзларни мужассамлаштиради. Бундай рамзлар хужжат кўринишини фақатгина бошқариб, ўзи эса кўринмайди. HTMLда бу рамзларни тэг (тэг – ёрлик, белги) деб аталади.

HTMLда ҳамма тэглари рамз-чегараловчилар (< , >) билан белгиланади. Улар орасига тэг идентификатори (номи, масалан B) ёки унинг атрибутлари ёзилади. Ягона истисно бу мураккаб чегараловчилар (<!--ва -->) ёрдамида белгиланувчи шархловчи тэглари.

Аксарият тэглари жуфти билан ишлатилади. Очувчи тэгнинг жуфти ёпувчи тэг. Иккала жуфт тэг фақатгина ёпувчи тэг олдида «слэш» (“/”) белгиси қўйилишини ҳисобга олмаганда, деярли бир хил ёзилади. Жуфт тэглари асосий фарқи шундаки, ёпувчи тэг параметрлардан фойдаланмайди. Жуфт тэг яна контейнер деб ҳам аталади. Жуфт тэглари орасига кирувчи барча элементлар тэг контейнери таркиби дейилади. Ёпувчи тэг зарур булмаган бир қатор тэглари мавжуд. Баъзида ёпувчи тэглари тушириб қолдирилса ҳам замонавий браузерлар аксарият ҳолларда хужжатни тўғри форматлайди, бироқ буни амалда қўллаш тавсия этилмайди. Масалан, расм қўйиш тэги , кейинги қаторга ўтиш
, база шрифтини кўрсатиш <BASEFONT> ва бошқалар ўзининг , </BR> ва ҳоказо ёпувчи жуфтларисиз ёзилиши мумкин. Нотўғри ёзилган тэгни ёки унинг параметри браузер томонидан рад килинади.

(бу браузер танитайдиган тэгларга ҳам тааллуқли). Масалан, <NOFRAME> тэг-контейнери фақатгина фреймларни танитайдиган браузер томонидан ҳисобга олинади. Уни танитайдиган браузер <NOFRAME> тэгини тушунмайди.

Тэглар параметр ва атрибутларга эга бўлиши мумкин. Параметрлар йиғиндиси ҳар-бир тэгда индивидуалдир. Параметрлар қуйидаги коида асосида ёзилади:

– Тэг номидан сўнг пробеллар билан ажратилган параметрлар келиши мумкин;

– Параметрлар ихтиёрий тартибда келади;- Параметрлар ўзининг номидан кейин келувчи «=» белгиси орқали берилувчи қийматларга эга бўлиши мумкин.

– Одатда параметрлар қиймати « » - «қўштирноқ» ичида берилади.

– Параметр қийматида баъзан ёзув регистри муҳим. Шунини эсда тутиш лозимки, ҳамма тэглар ўзининг индивидуал параметрига эга бўлишига қарамай, шундай бир қатор параметрлар мавжудки, уларни <BODY> бўлимининг барча тэгларида ишлатиш мумкин. Бу параметрлар CLASS, ID, LANG, LANGUAGE, STYLE ва TITLEлардир. HTML-ҳужжатини ёзишни бошлашда ишлатиладиган биринчи тэг бу <HTML> тэгидир. У ҳар доим ҳужжат ёзувининг бошида бўлиши лозим. Яқунловчи тэг эса </HTML> шаклига эга бўлиши керак.

Бу тэглар, улар орасида жойлашган ёзувнинг ҳаммаси бутун бир HTML-ҳужжатини англатишини билдиради. Аслида эса ҳужжат оддий матнли ASCII-файлидир. Бу тэглрсиз браузер ҳужжати форматини аниқлаб, таржима қила олмайди. Кўпинча бу тэг параметрга эга эмас. HTML 4.0 версиясига қадар VERSION параметри мавжуд эди. HTML 4.0да эса VERSION ўрнига <!DOCTYPE> параметри пайдо бўлди.

<HTML>

<Head>

*

сарлавҳа қисми

*

</HEAD>

<BODY>

*


тана қисми

*

</BODY>

</HTML>

<HTML> ва </HTML> орасида 2 бўлимдан ташкил топиши мумкин бўлган ҳужжатнинг ўзи жойлашади. Мазкур ҳужжатнинг биринчи бўлими сарлавҳалар бўлими (<HEAD> ва </HEAD>), иккинчи бўлим эса ҳужжат тана қисмидир (<BODY> ва </BODY>), уни ҳужжат танаси ҳам деб юритамиз. Фрейм тузилиши ҳужжатлар учун <BODY> бўлимининг ўрнига <FRAMESET> бўлимидан фойдаланилади.



Web – саҳифа ҳужжатининг тузилиши

1.4. Гипермурожаат

Бутунжахон ўргимчак тўрининг асосий ва HTML нинг таркибий қисмини гиперматнлар ва гипермурожаатлар ташкил этади. Махсус командалар ёрдамида матннинг маълум қисми шундай ажратиладики, натижада ўша матн устига сичқон тугмаси босилса бошқа матн ёки саҳифа очилади. Бундан ташқари мультимедия воситаларининг ишлаб кетиши ёки бўлмаса, маълумотни дискда сақлаш таклифи ҳам берилиши мумкин.

Гиперматн ёки гипермурожаат бирор бир тасвирга ҳам қўйилиши мумкинки унинг устига босилганда ҳам юқорида айтилган ҳолатлар рўй бериши мумкин.

Ҳар бир веб-саҳифа ўзида бир нечта гиперматн ёки гипермурожаатларни мужассам этиши мумкин.

Одатда биринчи бўлимидан бошлаб секин-аста сўнггига қадар ўқиб бориловчи китобдан фарқли ўлароқ, Web тизими фойдаланувчиларга айнан уларни қизиқтираётган ахборотни шу вақтнинг узида кўздан кечиришга имкон беради. Web-тармоқ тизими дарахтни эслатади: марказий бўлимнинг йирик шохлари майда шохларга, яъни улар билан боғлиқ ахборотга олиб боради. Ҳар бир шох алоҳида Web-саҳифасини англатади. Гиперссилкалардан фойдаланган ҳолда бир тармоқ ичида ҳаракатланиш ёки бир тармоқдан бошқа бир тармоққа ўтиш мумкин. Гиперссилка матнли ёки графикали бўлиши мумкин. Гиперссилка тугма сифатида хизмат қилади. Уни боссангиз, сиз у тасвирлаган ерга бориб қоласиз. Одатда, гиперссилка матни маълум саҳифадаги қолган матндан ажралиб туриш мақсадида бошқа бир ранг билан белгиланади ва кўпинча гиперссилка танланганидан сўнг, унинг тагига чизилади ҳамда ранги ўзгаради. Бу эса унинг ишлатилганлигидан далолат беради.

1.5. Хужжатнинг дизайни

Ҳозирги сўнги пайтда Веб дизайнга ҳамма диққатини қаратираяпти. Агар Веб мутахассислар биринчи навбатида технологиянинг ўрни веб сайт ва хужжат? Энг яхши дизайнларни қўллаш.

Web-серверда ахборотларни эълон қилиш шундай ташкил қилинганки, саҳифа формати ихтиёрий пайтда ўзгартирилиб фойдаланувчига тақдим этилади. Саҳифага қўлланилган яхши дизайн ҳамда саҳифага янги ахборотларни тезда қўшиш фойдаланувчи қизиқишини орттиради. Web – саҳифани яратишда яна шуни эътиборга олиш керакки, қандай имкониятларга эга бўлган мониторларда яратилган саҳифангизни кам имкониятларга эга бўлган, ранглари чегараланган миқдорда бўлган мониторларда ҳам кўриш мумкин бўлсин.

Учинчи усул – тайёр электрон дарсликдан фойдаланиб Интернет синфида маърузалар ўтиш. Интернет синфида маърузаларни тўғридан-тўғри ўтиш учун интернетнинг веб тугунида махсус электрон дарсликлар тайёрлаб ўрнатиб қўйилган бўлиши лозим. Бундай электрон дарслик ўзининг мазмундорлиги, сифати, дизайни ва веб технологияси асосида ишлаб чиқилганлиги , ҳамда фойдаланувчи учун жуда қулайлиги билан анъанавий дарслик ва қўлланмалардан ажралиб туради. Ундан фойдаланиш учун ҳеч қандай қўшимча дастурни ишга тушириш талаб қилинмайди, тўғридан тўғри электрон дарслик қўлланманинг ўзи ишга туширилади. Улар билан ишлаш учун асосан гиперматн технологиясидан ва экраннинг юқори қисмида жойлаштирилган менюлардан фойдаланилади. Бундай электрон дарслик сифатида Интернет ва ахборот химояси дарслиги ишлатилиши мумкин. Маъруза хонасидаги компьютерга видео проектор ўрнатилиб, шу видео проектор орқали электрон қўлланма катта экранда намоиш этилади. Агар маърузани масофадан туриб узатиш талаб қилинса юқоридаги биринчи ёки иккинчи усуллардан фойдаланилади.

1.6. Браузер, шарҳловчи(кўзатиб борувчи), навигатор

Браузер, шарҳловчи (кўзатиб борувчи), навигатор (инглиз тилидан browser – китоб варақловчи инсон маъносини англатади) – объектларнинг, масалан веб саҳифаларнинг визуаллаштирилишини кўриш учун мўлжалланган дастурдир. Бугунги кунда жуда кўп миқдорда браузерлар мавжуд бўлиб, улар ихтиёрий платформалар(амалиёт тизимлар) учун ёзилгандир. Бошқача қилиб айтганда, **Веб-шарҳловчи ёки браўзер** — бу веб-сайтларни кўриш, яъни веб саҳифаларни қайта ишлаш, чиқариш, бир саҳифадан бошқасига ўтиш мақсадида уларни «Ўргимчак тўридан» сўров қилиш учун мўлжалланган дастурий таъминотдир. Кўпгина браузерлар FTP-серверларнинг мундарижаларини кўриш хусусиятига эгадир. Браузерлар «Бутун дунё ўргимчак тўри» пайдо бўлгандан буён ривожлана бориб, унинг ўсиши натижасида шахсий компьютер учун муҳим дастурга айланган. Ҳозирда браузер — веб-саҳифаларининг турли ташкил қилувчиларини қайта ишлаш ва чиқариш ҳамда веб-сайтлар ва уларга ташриф буюрувчилар ўртасида интерфейсни яратиб берувчи комплекс илова ҳисобланади. Амалий жихатдан барча оммабоп браузерлар текинга ёки бошқа иловаларга қўшиб тарқатилади, масалан: Internet Explorer (Windows нинг қисми сифатида), Mozilla Firefox (эркин дастурий таъминот), Opera (8.50 версиясидан бошлаб текин), Safari (Mac OS нинг қисми сифатида).

Биринчи кенг тарқалган график интерфейсли браузер бўлиб NCSA Mosaic ҳисобланган, сўнгра узоқ вақтгача Netscape Navigator бозорни тарқ этмаган. 1995 йилда Microsoft компанияси Internet Explorer 3.0 ни ўз ичига олган Windows 95 AT ни ишлаб чиқарди. Бу эса «браузерлар уруши» бошланишига асос бўлди. Натижада Netscape талофатга учради, Internet Explorer эса бозорнинг 95 фоиздан ортиғини эгаллади. Талофатга учраётган Netscape эса MPL (Mozilla Public License) эркин лицензиясида ўз браузерининг дастлабки кодини чиқарди ва унинг асосида янги Mozilla ва Mozilla Firefox браузерлари

яратилди ҳамда секин-аста оммабоп бўла борди. 2005 йилда Opera браузерери ҳам текинга тарқатила бошланди.

Агар курашда асосий усул бўлиб браузерларга специфик ва ностандарт имкониятларни қўшиш бўлмаганда, браузерлар орасидаги уруш корпорацияларнинг тижорат ишлари бўлибгина ҳисобланар эди. Кўп тафовутлар ҳужжатларга интерактивликни берувчи сценарий тили ҳисобланган Javascript ни қўллашда юзага келди. Натижада кўп ҳужжатлар аниқ бир браузер учун оптималлашиб, бошқаларда умуман ўқилмади.

WWW-Консорциум кўпгина пухта ишланган стандартларни қабул қилади (HTML, Javascript, CSS ларнинг турли лахжалари ва бошқалар), лекин бу стандартларга амал қилиш бутунлай браузер ишлаб чиқарувчиларига юклатилди. Охирги йилларда стандартларни қўллаш даражаси анча ўсди ва замонавий браузерлардан фақат Internet Explorer (2001 йилда чиққан олтинчи лахжаси) стандартларга риоя қилишда муҳим камчиликларга эгадир (2006 йил 18 октябрда чиққан еттинчи лахжасини стандартларга мос келиши тўлиқ текширилмаган).

Windows (Microsoft) оиласидаги амалиёт тизимларининг локаллаштирилган лахжаларида браузерлар шунчаки *шарҳловчилар, тармоқ шарҳловчилари* ёки *веб-шарҳловчилар* деб номланади.

§2. WEB – САҲИФАНИНГ ГРАФИКАЛАР ФОРМАТЛАРИ

Веб-саҳифа учун тасвирни қуяётганда қуйидаги қоидаларга эътибор бериш лозим: биринчидан «тушлик учун яхши қошиқ»ки танлаган каби, яъни тасвир ўз жойида қўлланилиши керак; иккинчидан, тасвир файлини юклаш кўп вақтни олмаслиги керак.

Тасвирлар, жадваллар, графиклар веб-саҳифани безайди, унинг кўриниши ва информативлик хусусиятини оширади. Фақат матндан иборат веб-саҳифа фойдаланувчини зериктириб қўйиши мумкин.

Веб-саҳифани тасвирларни қўйиш оддий вазифа. Мураккабки, яхши тасвирни хосил қилиш ҳисобланади. У кўплаб хусусиятларга эга бўлиши лозим: кизиқарли, фойдали ўзига тортувчи ва жудаям катта бўлмаслиги лозим. Тасвирларни яратишинг баъзи бир қоидалари:

- Тасвирлар ва графикалар берилаётган информацияга тегишли бўлиши лозим. Саҳифанинг ўлчамини ошириш учунгина тасвирларни қўйиш керакмас. Фойдаланувчилар Интернетдан маълумот қидиради ва фақат кераклигини ўқийди, сизнинг яхши кўрган расмингизни кўриш у учун қизиқ эмас.
- Тасвирлар тез юкланиши керак, бу ютуққа олиб келади. Бунинг учун эса файл катта ҳажмда бўлмаслиги керак. Шунинг учун саҳифани расмлар билан «тўлдириб» ташламаслик керак.
- Охириги йилларда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли рақамли фотоаппаратлар хизматидан фойдаланинг. Бу сизга керакли формат ва ўлчамни танлашда қулайлик туғдиради.

Агар сиз саҳифангизга тасвир қўйишга қарор қилган бўлсангиз тасвирларни яратишга мўлжалланган график муҳаррирлар хизматидан фойдаланишингиз

мумкин. Улар: Paint Shop Pro, Graphic Converter, Adobe Photoshop, Adobe Image Ready, Corel Draw, Corel Xara ...

2.1. Растрли ва вектори тасвирлар

1. Растрли графика.
2. Векторли графика.
3. Фрактал графика.

Улар бир-бирларидан тасвир кўринишдаги ахборотларни ҳосил қилиш ва қайта ишлаш технологиялари билан фарқ қилади.

Растрли графика воситасида шаклланган тасвир асосан электрон ва полиграфия нашриётларда қўлланилади (2.1-расм). Растрли тасвир икки ўлчовли массив (матрица) кўринишдаги нуқталар тўпламидан иборат бўлиб, улар пикселлар деб аталади. Растрли тасвирнинг энг кичик пексилдан иборат.



2.1-расм. Растрли тасвирлар

нинг атрибутлари бошқа пикселларнинг атрибутларидан боғлиқ эмас. Компьютерда қўлланиладиган операцион тизимларнинг имконитига кўра, **480x640, 800x600, 1024x768** ва ундан кўпроқ пикселга эга бўлган тасвирлар жойлашиши мумкин. Тасвирнинг ўлчамига кўра унинг имконияти ҳам ошиб боради. Экраннынг имконияти параметрик бўлиб, бир дюймдаги нуқталар сони билан белгиланади. Растрли график воситалари билан бажарилган (тайёрлаган) тасвирлар жуда кам ҳоллардагина компьютер дастурларидан фойдаланиб ишлаб чиқилади. Бу мақсадда профессионал рассом чизган расм ёки фотография техник воситалар ёрдамида компьютерга киритилади.

Охирги пайтда растрли тасвирларни компьютерга киритиш учун рақамли фото ва видеокамералардан фойдаланилмоқда. Шу сабабли растр графикасини асосий мақсади тасвирни яратиш эмас, балки мавжуд тасвирни қайта ишлашдир.

Растрли графикнинг ижобий томонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- универсаллиги (бу формада ҳар қандай тасвирни тақдим этиш мумкин);
- шаклантиришнинг соддалиги;
- ранг жиоларини бериш аниқлигининг юқорилиги.
- Ушбу усулнинг салбий томонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:
 - растрли график блоklar ҳажмининг жуда катталиги;
 - уларнинг масштаби ўзгарганда тасвир сифатининг пасайиши.


Шу сабабли ҳар бир тасвирни кодлаш ва сақлаш учун катта ҳажмдаги хотира талаб этилади. Тасвирдаги жуда кичик объектларни кўриш учун унинг масштабини катталаштириб бўлмайди. Бу растрли тасвирларни қайта ишлаш жараёнида баъзи бир муаммоларни пайдо бўлишига олиб келади.

Растр тасвирлар қуйидаги типларга бўлинади: бинар, кулранг, палитрали, тўлиқ кулранг. Бунда тасвирнинг элементлари фақат икки қийматни (0 ёки 1) қабул қилиш мумкин. Бу тасвирлар турлича пайдо бўлиши мумкин. Аммо кўп ҳолларда кулранг, палитрали ва турли рангли тасвирларни ўзгармас ёки адекват чегаравий сон билан бинар тасвирга алмаштириш натижасида пайдо бўлади. Бинар тасвирларни сақлаш учун жуда ҳам катта жой талаб қилинади. Уларнинг ҳар бир элементи учун 1 бит жой керак бўлади. Кулранг тасвирни элементлари маълум бир ранг интенсивлигининг турли хил қийматлари қабул қилади. Одатда бу тасвирларнинг ҳар бир элементини сақлаш учун 8 бит ишлатилади. Кулранг тасвирлар турли хил Амалий масалаларини ҳал қилишда энг кўп қўлланиладиган тасвирлардан бири ҳисобланади.

Палитрали тасвирларнинг ҳар бир элементиға ранглар картасининг (палитрасини) бир ячейкасидаги ранг мос қўйилади. Палитра –бу икки ўлчовли массив бўлиб, унинг сатрларига турли ранглар, ҳар бир устунларига эса маълум бир рангнинг интенсивлиги жойлаштирилади.

Тўлиқ рангли тасвирлар элементлари рангни ташкил этувчи ёрқинликлари ҳақидаги ахборотни ўзини сақлайди. Шу билан у палитрали тасвирлардан фарк қилади. Амалий масалалар ечишда қайси типдаги тасвирни танлаш масаласининг ўзига хос хусусиятларидан боғлаб, тасвирдаги зарур ахборотни қанчалик тўлиқ ифодаланиши билан характерланади. Бундан ташқари тўлиқ рангли тасвирлардан фойдаланиш катта ҳажмдаги ҳисоблаш ресурсларини талаб қилишини эътиборга олиш керак.

Векторли графика воситасида шаклланган тасвир содда график объектлар тўпламидан тузилган бўлиб, унинг типик элементиға мос келади (2.2-расм). Векторли тасвирнинг асосий элементи чизик бўлиб ҳисобланади.



2.2-расм. Векторли тасвирлар

Компьютер хотирасида бу чизик жуда катта жой эгалламайди, чунки хотирада чизикни фақат параметрлари кўрсатилади. Унда содда объектлар мураккаб объектларға бирлаштирилади, шу сабабли вектор графикасини объектға йўналтирилган графика деб ҳам айтилади. Компьютер хотирасида вектор графикаси чизиклар сифатида сақланиб туришиға қарамасдан, тасвир экранға нуқталар сифатида чиқарилади. Тасвирни экранға чиқаришдан олдин ҳар бир параметрни ҳисоблаб чиқади. Шу сабабли вектор графикасини ҳисобланувчи графика деб айтилади. Вектор графикаси ёрдамида содда турдаги безаш ишларини олиб бориш мумкин.

Векторли график тизимнинг муҳим тавсифи бўлиб, унинг содда график элементларининг таркиби хизмат қилади, содда график элементларига бир неча мисол келтирамиз:

- Координатаси кўрсатилган нуқталар бошланувчи маълум бир бурчак остида йўналган ва берилган узунликка эга бўлган чизик;
- Маркази координаталари кўрсатилган нуқтада жойлашувчи, ярим ўқларининг узунлиги, чизикнинг ранг ва қалинлиги, ҳамда уни бўйлаш ранги берилган эллипис;
- Чап томондаги юқори бурчагига жойлашган нуқтанинг координаталари, томонлар узунлиги, чизик қалинлиги ва ранги кўрсатилган тўғри тўртбурчак.

Векторли тасвирни кўрсатаётганда содда элементларнинг чизиқли геометрик атрибутлари, унинг бошланғич ва зарур ўлчамлари ўртасидаги муносабатни, ҳамда чиқариш қурилмаларида (мониторлар, чоп этиш қурилмаси) рухсат берилган хатоликни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқади. Бундай усул масштаблаштириш имкониятини сезиларли даражада оширади. Тасвир ўлчамини қанча кўпайтирса ҳам, унинг сифати ўзгармайди. Тасвирнинг ўлчамларини жуда кичиклаштириб юборганда, содда элементларнинг чизиқлари устма-уст тушиб қолиши ва хатоларни ихчамлаш ҳисобига у ўзгариши (бузилиши мумкин).

2.2. Растрли тасвирлар ва уларнинг асосий характеристикалари.

Растр – бу жуда кичик юзага эга бўлган геометрик фигуралар (пикселлардан), масалан квадратчалардан тузилган матрица. Ҳар бир пиксел ўз рангига эга бўлиши мумкин. Турли рангларга эга бўлган растрлар тўплами тасвирни ташкил этади. Тасвир кўрсатилаётган сиртда пикселларни жойлашишига нисбатан растрлар турли типларга бўлинади: квадрат, тўрт бурчак, доира, гексигонал ва шу кабилар. Пикселлар жойлашишини тасвирлаш учун турли хил координата тизимларидан фойдаланилади. Бу тизимларни

хаммаси учун умумий бўлган хосса, уларда пиксел координаталарининг дискрет кийматлар қаторидан (бутун сон бўлмаслиги мумкин) ташқил топгандир. Кўп ҳолларда бутун сонлар координатасидан фойдаланилади. Бунда пикселларнинг бошланғич координатаси чап томондаги юқори бурчакдан бошланади.

Растрнинг геометрик характеристикалари қуйидагилардан иборат:

- Рухсат берилган хатолик;
- Ўлчам;
- Пиксел шакли.

Растрда рухсат берилган хатолик ўзаро қўшни (ёнма-ён) жойлашган пикселлар орасидаги масофа билан характерланади. Рухсат берилган хатолик бир бирлик узунликдаги пикселлар сони билан ўлчанади. Энг кўп тарқалган ўлчов бирлиги бўлиб, dpi (dots per inch) хизмат қилади. У бир дюйм (2,54 см) узунликдаги пикселлар сони. Пикселлар ўлчами билан қадамнинг катталигини тенглаштириб бўлмайди. Пикселнинг ўлчами қадамнинг катталигига тенг. Ундан кичик ёки катта бўлиши мумкин.

Растрнинг *ўлчами* одатда горизонтал ва вертикал ўқлар бўйича жойлашган пикселлар сони билан аниқланади. Шунини таъкидлаб айтиш мумкинки, ҳар икки ўқлар учун бир хил қадамли (яъни, $dpiX = dpiY$) растр компьютер графикаси учун жуда қулай. Бу айниқса график объектларни чиқариш алгоритмлари учун қулай. Акс ҳолда муаммо пайдо бўлади.

Растр *пикселларининг* шакли тасвирни чиқариш қурилмасининг хусусиятлари билан аниқланади. Масалан, пикселлар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

1. Квадрат (ёки тўғри тўртбурчак шаклидаги пикселлар). Улар ўлчами бўйича растр қадамига тенг (суюқ кристалли дисплейда).

2. Доира шаклидаги пикселлар. Улар ўлчами бўйича растр қадамига тенг бўлмаслиги мумкин (принтерлар).

Ранглар сони (ранг чуқурлиги) ҳам растрнинг энг муҳим характеристикаларидан бири. Ранглар сони фақат растрли тасвир учун эмас. Балки ҳар қандай тасвир учун ҳам муҳим характеристика ҳисобланади. Психофизиологик тадқиқотларни кўрсатишича, инсоннинг кўзи 350000 рангларни бир-биридан ажратиш имкониятига эга. Тасвирларни ранг бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Икки рангли (бинар) тасвирлар. Бу тасвирларнинг ҳар бир пиксели учун компьютер хотирасида бир бит керак. Оқ -қора тасвирлар икки рангли тасвирлар орасида энг кўп учрайди.
2. Ним ранг тасвирлар. Бу тасвирларни шакллантиришда кулранг ёки бошқа рангларнинг градацияларидан фойдаланилади. Одатда, тасвирдаги ранг 256 градациядан иборат бўлиб, унинг ҳар бир пиксели учун 1 байт керак.
3. Рангли тасвирлар. Бу тасвирларнинг ҳар пиксели учун энг камида 2 бит керак. Ҳар бир пикселда ранг чуқурлиги 16 бит бўлган (65 536 рангли) тасвир High Color номини, ҳар бир пикселида 24 бит бўлган (16,7 млн. рангли) тасвир True Color номини олган. Компьютерларнинг график тизимларида ҳар бир пиксел 32,44 ва ундан кўп бит бўлган тасвирлардан ҳам фойдаланилади.

Растрнинг рухсат берилган хатолигини баҳолаш. Нормал кўриш қобилиятига эга бўлган одамнинг кўзи бурчак ўлчамида 1 минутга яқин объектларни фарқлаши мумкин. Агар объектгача бўлган масофа R узунликка тенг булса, u ҳолда бу ўлчамни (dP) ёй узунлиги сифатида қуйидагича баҳолаш мумкин:

$$dP = \alpha \cdot R,$$

бу ерда $\alpha = 1,7453293 \cdot 10^{-2} / 60 = 2,90888 \cdot 10^{-4}$ (рад).

Фараз қилиш мумкинки, одам растр дискретлигини (қадамини) пайқаш хам, ана шу пайқаш мумкин бўлган минимал ўлчамга мос келади. Бошқача айтганда, алоҳида олинган нуқтани (пикселни) минимал узунликдан кам бўлган dP масофага силжитсак, уни силжитилганлиги сезилмайди. Унда растр сифатида қабул қилинмайдиган миқдорни растр учун рухсат берилган хатоликнинг баҳоси сифатида қараш мумкин:

$$Dpi = 25,4/dP \text{ [мм]}.$$

Мисол 1. Агар одам қоғоз ҳужжатларни ўқиш учун 30 см масофадан унга караса, у ҳолда принтер учун рухсат берилган хатолик қанча бўлиши керак?

Берилган: Ечиш: Бу мисолни ечиш учун (1) ва $R = 30$ (см) (2) формуладан фойдаланамиз:

$$dP = \alpha \cdot R = 2,90888 \cdot 10^{-4} \cdot 300 = 8,726646 \cdot 10^{-2};$$

$$dpi = ? \quad dpi = 25,4 / (8,726646 \cdot 10^{-2}) = 291,06 \approx 292.$$

Мисол 2. Агар одам дисплей экранига 0,5 м масофадан яқин ўтирмаса, у ҳолда дисплей экрани учун рухсат берилган хатолик қанча бўлиши керак? Худди юқоридагига ўхшаш:

$$dpi = 25,4 / (1,454441 \cdot 10^{-1}) = 174,6375 \approx 175$$

2.3. GIF, JPEG, GIF89 ва PNG форматлари

Сиқиш (Compression) Растрли тасвирда маълумот сақланишини мулоҳаза қилиб кўрайлик. Тасвир нечта қатор ва устундан иборат эканлигини ва уларда жойлашган ҳар бир пиксел учун ранг қийматини аниқлашимиз тасвир учун етарли маълумотдир. Муаммо шундаки тасвирда пикселлар сони ошиб боргани сари тасвир ҳажми ҳам ошиб кетади. Масалан ўлчами 100×100 пиксел бўлган оқ рангли тасвирни олайлик. Тасвир ҳақидаги маълумот ўлчами 100×100 пиксел ва 10 000 та пикселнинг ҳар бири учун ранг қийматини оқ деб ёзиб чиқсак, тасвирдаги маълумот ҳажми катталашиб кетади. Энди биз айнан шу тасвир маълумотини тасвирда битта оқ ранг бор ва у 10 000 марта такрорланади

деб ёзсак, тасвирда маълумот ҳажми анча камаяди. Мана шу услуб тасвирда маълумотни сиқиш алгоритмга мисол бўла олади.


Ранг чуқурлиги (Color depth)

Ранг чуқурлиги, оддий қилиб айтганда график формат қанчалик кўп ранг тасвирлай олишини билдиради. Тасвирдаги чар бир пиксел ранги компьютер тушунадиган бит бирлиги билан кодланади. Ҳар бир бит икки қийматга, 1 ёки 0 га эга бўла олади. Агарда тасвирни бир битли дейдиган бўлсак, у ҳолда тасвир оқ (қиймати 1) ва қора (қиймати 0) ранглардан ташкил топган бўлади. Бундай тасвирни монохром тасвир дейилади. 8 битли тасвир эса (00000000 дан 11111111 гача бўлган битлар комбинациясидан иборат) $2^8 = 256$ та рангдан ташкил топган бўлиб бу GIF формати тасвирлай оладиган ранглар сонидир..

JPEG — Joint Photographic Experts Group



JPG (ёки JPEG) формати интернетда ва рақамли фотоаппаратларда кенг қўлланилади. Сиқиш алгоритми тасвирдаги кичик деталларни “қурбон қилиш” эвазига файл ҳажмини камайтириш имкониятини беради. Тасвирни график муҳаррирда JPG форматида сақлашда ушбу кўрсаткични яъни тасвир сифатини хошишга қараб бошқариш мумкин. Тасвир сифати қанча паст бўлса файл ҳажми шунча кичик бўлади. JPG формати 24 битли бўлиб, 16,7 миллионга рангни тасвирлай олади.



JPG тасвирни сақлашда сифатни ўзгартириш

Қуйидаги икки тасвирни солиштиринг:



100% ли сифат билан сақланган JPG тасвир. Ҳажми: 33,4 КВ




0% ли сифат билан сақланган JPG тасвир. Ҳажми: 2,8 КВ

Йўқотишли (lossy)

JPG тасвирни ҳар сафар график муҳаррирда қайта сақлаганингизда тасвир аслига қараганда озгина ўзгаради. Яъни, JPG сиқиш алгоритмида тасвирни ҳар сафар қайта сақлаганингизда тасвирдаги маълумот озгина йўқотилади. График форматларда бу нарса “йўқотишли” (lossy) номи билан малум. Тасвир учун ўта йўқори аниқлик талаб этилмаган, уни кўп марта таҳрир қилиш кўзда тутилмаган ҳолларда бемалол тасвирни JPG форматида сақласангиз бўлади.

Акс холларда тасвири йўқотишли бўлмаган бошқа форматда мастер нусхаси олиб қўйиш тавсия этилади.

Прогрессив



JPG тасвирнинг прогрессив опсияси.

JPG формати учун муҳаррирларда прогрессив опсияси мавжуд бўлиб, бу опсия билан сақланган тасвир браузерда босқичма босқич аниқликда юкланади. Яъни, тасвир аввал ноаниқ кўринишда юкланиб кейин, тасвир аниқлашиб асл кўринишга эга бўлиб боради. Бундай опция тезлиги паст интернетларда тасвир хали тўлиқ юкланиб бўлмасиданоқ фойдаланувчига тасвир ҳақида тушунча беради. JPG тасвир учун бу опсия танланганда файл ҳажми бироз ортади.



Прогрессив JPG нинг браузерда босқичма-босқич юкланиши.

GIF — Graphics Interchange Format



GIF форматида тасвирдаги такрорланувчи сохаларни топиш орқали файл ҳажмини кичрайтирувчи LWZ номли сиқиш техникаси тадбиқ этилган. GIF тасвирнинг ҳажми ундаги рангларнинг сонига боғлиқ. Яъни, GIF тасвирдаги ранглар сони қанча кўп бўлса, ҳажми шунча катта бўлади. Шунинг учун GIF формати мураккаб ўтишлардан иборат бўлмаган, яхлит рангли сохалардан иборат бўлган – скриншотлар, схема, диаграмма ва логотиплар учун қўл келади.

GIF формати 8 битли бўлиб, 256 та рангни тасвирлай олади. Бу сезирарли даражада оз кўрсаткичдир. Шу сабабли GIF формати фотосуратлар учун яроқсиздир.

Lossless (йўқотишсиз) – GIF форматида йўқотишсиз сиқиш техникаси қўлланилиб, тасвирни қайта сақлаганингизда тасвирдаги маълумотлар йўқолмайди.

Interlaced (қаторлар оралаб) – Бу опсия билан тасвир браузерда қаторлар оралаб (interlaced) босқичма босқич юкланади. GIF форматининг бу опсияси JPG форматининг прогрессив опсиясига ўхшасада лекин унинг ишлаш принципи JPG форматидан фарқ қилади. Interlaced” GIF тасвир браузерда 4 босқичда юкланади. Биринчи босқичда тасвирнинг 0, 8, 16, ... қаторлари юкланади. Бир вақтнинг ўзида хали юкланиб бўлмаган бўш қаторларнинг ўрнини тўлдиради. Иккинчи босқичда тасвирнинг 4, 12, ..., қаторлари юкланади. Учинчи босқичда тасвирнинг 2, 6, 10, 14, ..., қаторлари юкланади. Сўнги тўртинчи босқичда 1, 3, 5, 7, 9, ... қаторлар юкланади ва тасвир тўлиқ кўринишга эга бўлади.

Анимация – GIF форматда анимацияли тасвирларни тайёрлаш имконияти мавжуд. Анимацияли GIF бир файлга ёзилган бир нечта тасвирлар бўлиб, улар белгиланган вақт интервали бўйича алмашади.

Dithering - тасвирларни GIF форматда саклаш учун график муҳаррирларда “dithering” опсияси мавжуд. Бу опсияни қўллаб тасвирдаги кескин ўтишларни “қумсимон” ўтишларга айлантирилади. Бунда тасвир бироз яхшироқ кўринишга эга бўлади. Лекин шундай бўлса ҳам, фотосуратлар кўриниши қониқарли бўлмайди.



"Dithering" қўлланилмаган GIF тасвир.

"Dithering" қўлланилган GIF тасвир.

Шаффофлик (transparency) – Gif форматининг яна бир хусусиятларидан бири. Яъни, GIF тасвирнинг маълум пикселларига ранг бермай шаффоф волдириш мумкинлигидир. GIF шаффофликда тасвирдаги пиксел мутлоқ шаффоф ёки мутлоқ ношаффоф бўлиши мумкин (1 битли). Турли даражали шаффофлик GIF форматда мавжуд эмас.

PNG — Portable Network Graphics



PNG формати йўқотишсиз (lossless) бўлиб, PNG-8 ва PNG-24 версиялари мавжуд.

Interlaced - PNG форматини саклашда ҳам GIF формати каби “Interlaced” опсияси мавжуд.

PNG-8 формати GIF формати каби 256 та рангни ва 1

битли шаффофликни қўллаб қувватлайди. PNG-8 форматида тадбиқ этилган сиқиш алгоритми GIF форматидагидан ҳам самаралироқдир.

PNG-24, GIF форматидаги шаффофликдан фаркли ўлароқ турли даражадаги шаффофликни ва **JPG** формати каби 16,7 миллионта рангни тасвирлай олади. Лекин **PNG-24** форматида **JPG** форматида бўлгани каби тасвир сифатини хоҳишга қараб бошқариш имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун **PNG-24** форматида тасвир ҳажмини кичрайтириб бўлмайди.

Шаффофлик қўлланилган **PNG** формати **Internet Explorer 6** браузерда хатолик билан кўринади.

Ушбу мақола Photoshop рукнида чоп этилган. Теглар: GIF, График форматлар, JPG, PNG.

§3. ADOBE PHOTOSHOP DA ИШЛАШ АСОСЛАРИ

Векторли графикада яратилган расмлар логотип, иллюстрациялар ва заставкалар яратишда фойдаланилади. Растрли графика мухаррирларига мисол қилиб **Adobe Photoshop** дастурини айтиш мумкин. Adobe Photoshop 7 дастури мавсум дастурлар орасида суперхит продуктга айланди. Уни устига бу программанинг ҳар бир сони ўзида янги элементларни мужассамлантирган. Экранда турган программа асбобларини ишга тушириш учун сичконча билан уни устига босинг ва экранда кўриниётган пиктограммани устига босинг. Бир хил пиктограммалар ёнида кичик курсаткич(стрелочка)лар мавжуд. Агар уни устига босилса тасвирга тугри келувчи ойна(всплывающая палитра)лар кўрсатилади, у ердан сиз керакли асбобларни танлашингиз мумкин. Ҳар бир асбоб учун ўзининг ўлчам (параметр) лари экран тепасида жойлашган опциялар панелида мавжуддир (масалан, режим смешивания, значение непрозрачности).



Асбоблар панелида пайдо бўлувчи маслаҳат(подсказка) ойнаси


Photoshop дастурида матн вектор кўринишига эга. Программада матн ўзининг аниқ чегара ва контурларига эга чунки программа матнларни ишлатаётганда вектор контурини қуллайди. Шу билан бир қаторда матн ҳам расм сифатларини ўзида мужассамлаштирган. Бу матн принтердан чиқарилишига қарамай у PDF ёки EPS форматларида сақланаши ва ўз тиниқлигини сақлаб қолади.

Photoshop программа фақатгина матнларни киритибгина эмас балки уларни ёзилаётган вақтида ва ёзилгандан сўнг ҳам уларни тусини рангини кўринишини ҳамда йўналишини ўзгартириш мумкин.


Матнни яратиш (Создание текста)

Photoshop дастурида матн ёзиш учун **Type** (Матн) буйриғи танланади ва автоматик тарзда керакли жойда ўз махсус қатламига эга бўлган фонда ёзила бошлайди. Исталган пайтда унинг кўринишини ўзгартириш мумкун масалан: шрифт, услуб, кегель, ранг, кернинг, трекинг, ораликдаги интервал, тўғирлаш, текст чизикларини ҳажми. Бундан ташқари бир матнни ўзига бир қанча атрибутларни киритиш мумкин (3.1 расм).

Шу билан бир қаторда матннинг маъносини механик тарзда ўзгартириш унга ҳар хил эффектлар қўллаш ва у жойлашган қатлам устида бир қанча имкониятларни қўллаш мумкин. Матн қатлами устида қандай амаллар қўллаш мумкин? Унга филтрни қўллаш, матндан тозалаш ва расмларга тўлдириш мумкин. Бу амалларни бажариш учун энг аввало матн қатламини **Layer > Rasterize > Type** (Слой > Преобразовать в растровый формат > Текст) асбоби орқали белгилаб ундаги командани танлаш керак. 3.2 расмда энг аввало уни активлашнириб сўнгра филтр ва турли қатлам эффектлари кулланилган.




Расм 3.1. Редактрланаётган матн



Расм 3.2. Ўзгартириш ва эффектлар қўлланилган матн

Турли хилдаги матнлар (тахрирланадиган ва тахрирланмайдиган) кўринишлари **Type** (Матн) , **Layer** (қатлам), **Character** (Шрифт), **Paragraph** (Абзац) асбоблари ва опциялар панели орқали яратилади.



Расм 3.3. Type асбобининг опциялар панели

*Тахрирланадиган матн қатламини яратиш (Создание редактируемого
текстового слоя)*

1. Энг аввало **Type** (Матн) асбобини **T** тугмасини босиш билан активлаштиринг.
2. Сўнгра матнни жойлаштириш керак булган экрандаги қисимни ўлчамларини сичконча орқали белгиланган (сўзлар ва матнлар бир бирига тўқнашиб кетмаслиги керак). Яхшиси хар бир сўзни алоҳида қатламга ёзинг шунда уларни бир биридан мустақил равишда силжитиш имкони қўлга киритасиз.
3. Опциялар панелида қуйдаги ишларни бажаринг:
 - **Type** тугмасига босинг ва матннинг йуналишини кўрсатинг (горизонтал, вертикал);
 - Шрифтлар оиласини, услубини кенглигини танланг;
 - Шунингдек **Anti-aliased** (Мослаштириш) менюсидан матн қатлам чегарасини кўрсатинг: **Sharp** (Тиник) **Crisp** (қаттик), **Strong** (кучли), ёки **Smooth** (юмшоқ). Бу матнни соясини кўринишларини тубдан ўзгартиради ва тасвирга мослайди.

Aligment (Включка) тугмаларидан бирига босинг ва керакли бўлган матнни ёзилиш чегарасини кўрсатинг (ўнгдан, чапдан, ўртадан) 3.4 расмга қаранг.



Расм 3.4. Матнни текслаш усуллари

Опциялар панелидан матнни рангини кўрсатинг. Бундан ташқари матн рангини **Swatches** (Образц) ва **Colors** (Цвета) палитраларидан ҳам белгилаш мумкин.

4. Экрандаги ойнада матнни киритинг.
5. Янги матн катламини яратиш учун **Enter** тугмасини босинг агар сизга бошқа катлам керак бўлмаса **Esc** тугмасини босинг.

Матнни тахрирлаш. Матнга ўзгартиришдан олдин уни активлаштиринг ва матндаги сўз жумла ва харфини белгилаб ўзгартириш киритинг, шунингдек матнни белгилаш учун матн рамкасини устига босиш кифоя.

Матнни масштаблаш(Масштабирование текста)

Horizontal Scale (Масштаб по горизонтали) и **Vertical Scale** (Масштаб по вертикали) буйриқларидан матнни жойлашиш шаклини ўзгартириш учун фойдаланинг. Бир хил тўғри кўринишдаги масштаблаш учун куйдаги аммаларга риоя килинг:

Масштаб по вертикали



Масштаб по горизонтали

Расм 3.5. Масштабни киритиш

Матн учун махсус эффектлар (Специальные эффекту для текста)

Энг аввало куйдагиларни эслаб колинг. Агар сиз матнни рамкасини масштабини ҳажмини ва тузилишини ўзгартириш учун уни тахрирланадиган кўринишда бажаришингиз керак ва сўнгра матнга махсус эффектлар кўшиш учун ури расм сифатига келтириб сўнга эффектларни кўлашингиз мумкин.

character
character
character
character

Расм 3.6. Матн масштабини

ўзгартиришдан кейинги холат

У тугмаси орқали ишга тушурилувчи **Move** (Силжитиш) асбоби орқали матнни трансформация қилиш мумкин.


Show Bounding Box (Показать габаритную рамку) асбобига байрокчани ўрнатинг **Layers** (Слои) асбоби орқали керакли қатламни белгиланг. Экранда матн қатлами акс этади.

Якка ҳолда киритилган жумла ва сўзларни куйдагича ўзгартириш мумкин:

- **Layers** (Қатлам) ойнасига жумлани киритинг ва **Edit** (Правка) менюсидан **Free Transform** (Произвольная трансформация) буйруғини танланг;
- Сичқонча Билан матн ойнасини керакли шаклни олгунча суриб боринг бу вазифани бошқа асбоблар ёрдамида ҳам бажариш мумкин.

Матнни тавсир ва матн орқасида жойлаштириш (Отображение текста позади слоя с рисунком)

1. Матнли қатламни яратинг.
2. Шу матн қатлаמידан нусха олинг ва уни саклаб куйинг.
3. Матн нусхасини белгиланг ва **Layer > Type > Convert to Shape** (Слой > Текст > Преобразовать в фигуру) командасини танланг. Матн қатлами автоматик расмга айланади ва уни тахрирлаш энди мумкин эмас.
4. **Layer > Change Layer Content > Levels** (Слой > Изменить содержимое слоя > Уровни) командасини танланг 3.7 расмга қаранг. Ёзилган қатлам сиз бошқа қатламни киритмагунизча нусхалаш омборида қолади ва актив бўлиб туради.



Расм 3.7.



Расм 3.8.

5. Ёзилган матн бошқа тасвирлар билан ҳамоханглигини жигарранг тусга эга бўлган пиктограмма **Input** (Ввод) устига босинг ва матн рангини очартиринг ёки тўқартиринг
6. ОК тугмасини босинг (3.8 расм). Экраннинг фонидан бир қисмига босинг.
Куринмайдиган матнлар яратиш (Создание исчезающего текста)
 1. Матн киритинг ва уни қатламини актив ҳолатда қолдириринг.
 2. **Layers** (қатлам) ойнасининг пастки қисмидан **Add a mask** (Добавить маску) тугмасини босинг. Белгиланган жой ёнида кичик белги (маска) пайдо бўлади.
 3. **G** клавишасини ёки **Shift+G** тугмалар комбинациясини босган ҳолда **Gradient** (Градиент) асбобини ишга туширинг.
 4. **Gradient** асбоби ёнидаги стрелкани босинг ва керакли рангни танланг. **Linear gradient** (Линейнўй градиент) тугмасига босинг ва **Normal** (Нормальнўй) режимини танланг шаффофсизлик кийматини Беринг(1%дан100%гача).
 5. Матнни устига керакли бўлган худудни рамка сифатида сичқонча билан белгиланг ва у қисмлар очаради ёки тўқаради 3.9 расмга қаранг.



Расм 3. 9. Куринмайдиган матн



Расм 3.10. Қатламга турли эффектларни қўланиши

Матн қатламини чегараларини ўраш (Обводка текстового слоя)

1. **Blending Options** (Опции смешивания) пайдо бўлувчи ойнасидан **Layers** (Слои) буйруғини танланг.
2. **Style** (Стиль слоя) ойнасининг чап тарафида жойлашган **Stroke** (Обводка) буйруғи устига босинг ва **Preview** (Предварительнўй просмотр) асбобига

байроқ ўрнатилганлигини текширинг. У ердан куйдаги бўлимларни кўриб чиқинг ва керакли ўлчамларни беринг: **Structure** (Структура) **Size** (Ўлчам), **Position** (Жойлашиш ҳолати) (улар ташқаридан ва ичкаридан бўлиши мумкин **Outside** (Снаружи), **Inside** (Внутри) ёки **Center** (марказдан), **Blend Mode** (Режим смешивания), **Opacity** (Шаффофсизлик), **Fill Type** (бўйяш усули) и **Color** (ранг) 3.11 расмга қаранг.

3. **OK** тугмасини босинг (ёки Enter тугмасини босинг).




Расм 3.11. Матнга **Stroke** эффеќтини **Gradient** бўёғи билан қўлланилиши
Қатламлар (слой) билан ишлаш

Қатламлар худди ойна қатламларига ўхшагандир фақат тасвир бўлган жойларигина кўринишга эгадир. Хар бир қатлам учун ўзининг шаффофлик даражаси бўлиб уни ундан олдинги ва кейинги турган қатламлар билан ҳамоханглигини мослаш мумкин. Қатламларни жойлашиш ўрнини алмаштириш ёки уларни ягона қатламга бирлаштириш мумкин. Бир вақтни ўзида хар хил қатламларда турган тасвирни биргаликда ўзгартириш ва бир қатламда турган расмни фақат бир қисмини ўзгартириш мумкин эмас.

Layers (Слой) ойнасида қатламлар устида турган қатламдан энг тагидаги қатламгача акс этирилган. Бунда фон қатлами охирида жойлашади (3.12 расм). Хозирда белгиланган қатлам актив бўлиб кўринади ва фақат шу қатлам устида амаллар бажариш мумкин.

Исталган қатламни активлаштириш учун тартибланиш ойнасидан уни устига босиш керак актив бўлган қатлам номи программа номи ёнида аксланиб туради.



Расм 3.12. Layers палитраси

